

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХМУДОВА АЗИЗА НУГМАНОВНА**

**ЗАМОНАВИЙ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ШАХСНИНГ ХУҚУҚИЙ  
ИЖТИМОИЙЛАШУВИ (ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РНД) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
Philosophical sciences**

**Махмудова Азиза Нугмановна**

Замонавий фуқаролик жамиятида шахснинг  
хукуқий ижтимоийлашуви (ижтимоий-фалсафий таҳлил) ..... 3

**Махмудова Азиза Нугмановна**

Правовая социализация личности в современном  
гражданском обществе (социально-философский анализ) ..... 21

**Makhmudova Aziza Nugmanovna**

Legal socialization of an individual in modern civil society  
(socio-philosophical analysis) ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХМУДОВА АЗИЗА НУГМАНОВНА**

**ЗАМОНАВИЙ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ШАХСНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
ИЖТИМОИЙЛАШУВИ (ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/FaI392 ракам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталаida ([www.zionet.uz](http://www.zionet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Вафаева Джамиля Бакиевна**  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Мусаев Фахридин Абдулсаттарович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор  
**Чориев Санжарбек Анварович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ракамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «3 » шондаги мажлисига бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-йи. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: [rektor@samdu.uz](mailto:rektor@samdu.uz) Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-кават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№17-раками билан рўйхатта олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-йи. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «25 » май куни тарқатилди.  
(2021 йил «25 » май даги 17 ракамли реестр баённомаси).



**Каримов С.К.**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Джуракулов X.А.**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш катibi,  
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б.

**Чориев С.А.**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш кошидаги Илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблити ва зарурати.** Жаҳон тараққиётининг ҳозирги боскичида замонавий жамиятнинг ривожи социомаданий хилма-хиллик ва қарама-қаршиликлар билан таърифланади. Бу, бир томондан, индивидуаллик, фуқаролик эркинликлар ва иктисадий тенгизликтага, бошқа томондан эса, жамоа бўлиб яшаш, ижтимоий тентлик ва адолатга интилиш мавжуд. Бугунги кунда жамиятдаги янгиланишларга кўмаклашиш жамият хукукий ҳолатини танқиди ҳамда ижтимоий сустлик ва трансформацион ижтимоий-хукукий жараёнларга бефарқлик билан ажралади. Шу боис ҳам, замонавий фуқаролик жамиятида ҳозиргача шахснинг хукукий ижтимоийлашуви, айниқса, унинг хукукий-ахлоқий қадриятлари тизими, моделлари ва уларнинг шаклланиши каби масалалари мунозарали бўлиб келмоқда.

Жаҳон илм-фанидаги назарий тадқиқотлар шуни кўрсатади, хукукий ижтимоийлашув муаммоси ҳақида фақат эклектик тадқиқотлар (психологик, конфликтологик, социологик, юридик, педагогик ва ҳ.к.) доирасида билимлар мавжуд бўлган. Бугунги кунда эса илмий жамоатчилик томонидан хукукий ижтимоийлашувнинг миллӣ моделлари, ижтимоийлашув ҳодисасининг табииати, шахс хукукий ижтимоийлашувининг субстанционал, бирламчи моҳиятининг яхлит тасаввурини шакллантириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурятини көлтириб чиқармоқда. Айниқса, илмий билишда хукукий ижтимоийлашувнинг пассив шакллари, инсон фақат обьект сифатида намоён бўлган таҳлили устуворлиги кўзга ташланмоқда. Шу жиҳатдан олгаңда, хукукий ижтимоийлашув ҳодисасининг назарий ва амалий жиҳатларини сабаб ва оқибат, имконият ва воқейлик сингари фалсафий категориялар асосида илмий тадқик этиш ҳозирги замон илм-фанида мухим концептуал аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда хукукий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш омили бўлган жамият хукукий маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишига айланди. “Бизнинг устувор вазифамиз инсон салоҳиятини рӯёбга чиқаришга ҳар томонлама кўмаклашиш, унинг асосий хукуклари ва қонуний манфаатларини химоя қилишини таъминлашдан иборат”<sup>1</sup>. Бу вазифаларни амалга оширишда, энг аввало, фуқароларнинг хукукий онг ва маданиятини юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, умуман, хукукий ижтимоийлашувнинг яхлит баҳосини шакллантириш билан боғлиқ фундаментал тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу нутқтаи назардан, хукукий ижтимоийлашувнинг концептуал асослари, шакллантириш механизмлари, мезонлари ва тамойилларини тадқик қилиш мухим илмий-тадқиқот мавзуси бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Инсон хукуклари бўйича Осиё форумидаги нутки. 2.11.2018. <http://uzo.uz/posts/57924>

Харакатлар стратегияси тұғрисида”, 2021 йил 4 мартдаги ПФ-6181-сон “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тұғрисида”, 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сон “Мамлакатни демократик яңгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тұғрисида” фармонлари, шунингдек, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бүйіча күшимчә чора-тадбирлар тұғрисида”, 2018 йил 27 июндеги ПҚ-3808-сон “Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси тұғрисида”ги қарорлари хамда соҳага оид бошқа норматив-хукукий ҳужжатларда белгиланған вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муйаян даражада хизмат қиласы.

**Тадқиқоттинг республика фан ва технологиялари ривожланишиннинг устувор йұналишларыға мөслиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишиннинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хукукий, иқтисодий инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йүллари” устувор йұналишига мұвоғиқ бажарылған.

**Мұммоминг ўрганилғанлық даражасы.** Шахснинг хукукий ижтимоийлашуви ҳодисаси фалсафа, социология, хукукшунослик, педагогика ва ижтимоий психология каби ижтимоий-гуманитар фанларнинг тадқиқот соҳасига киради. Ушбу соҳаларнинг тадқиқот йұналиши антик даврдан эътиборан шаклланиб келген бұлса-да, “ижтимоийлашув” түшүнчеси фалсафий категория сифатида XIX асрнинг охири XX аср бошларыда К.Хуррельманн, Т.Парсонс, Р.Бейлз, Дж.Арнетт ва бошқалар томонидан күпроқ тадқиқ килинған.

Хукукий ижтимоийлашув жамият қадриятларининг иерархик тизимлары асосланған ижтимоий ҳодиса эканлиги Э.Гидденс, Ф.Саттон<sup>1</sup>, Э.Дюркгейм<sup>2</sup> каби хориж олимларининг илмий асарларыда ёритилған.

МДХ олимларидан С.В.Тимофеева, Е.А.Сунцов, А.И.Пономарев, А.Н.Бabenko, Н.Б.Бааль ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларыда<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Гидденс Э. Устроение общества: Очерк теории структурации. - М.: Академический проект, 2003. - С.528. Ускользающий мир. Как глобализация меняет нашу жизнь. - М.: Весь мир, 2004. Трансформация интимности. Сексуальность, любовь и эротизм в современных обществах / Пер. с англ. В. Анурина. - СПб.: Питер, 2004. Гидденс Э., Саттон Ф. Основные понятия в социологии. - М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2018. - С.336.

<sup>2</sup> Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. - М.: Канон, 1996. Социология. Её предмет, метод, предназначение / Пер. с фр. сост. послесл. и прим. А. Б. Гофмана. - М.: Канон, 1995. Самоубийство. Социологический этюд. – СПб.,1992.

<sup>3</sup> Тимофеева С.В. Социализация жилищного права: проблема выбора приоритетов // Военно-юридический журнал. 2007. -№ 5. - С.176; Сунцов Е.А. Актуальные проблемы воспитания правовой культуры молодежи // Общество и право. 2009. - № 3. – С.139; Пономарев А.И. Налог как экономическая основа социализации личности // Финансовое право. 2009. № 2. – С.88; Ковалева А.И. Концепция социализации молодежи: нормы, отклонения, социальная траектория // Социологические исследования. 2003.- № 6. - С.81; Калашников С.В. Социальное государство: эволюция и этапы становления // Человек и труд. 2002. - № 10. – С.200; Бэрроу Р., Ричардсон Д. Агрессия. - СПб., 1997. - С.29. Бабенко А.Н. Правовая социализация как процесс освоения правовых ценностей // Государство и право. 2005. - № 2. С.27. Баалы Н.Б. Девиантное поведение в механизме формирования криминального экстремизма в молодежной среде // Вопросы ювенальной юстиции. 2008. - № 4.

хукукий ижтимоийлашувни турли соҳаларда амалга ошириш бўйича дикқатга сазовор ишлар бажарилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан хукукий ижтимоийлашув ҳодисасининг айрим жиҳатларига эътибор қаратганлар. Хусусан, А.Х.Сайдов, Э.С.Султонова, С.Ш.Сайдов, Дж.Б.Вафаева<sup>1</sup>, А.Джалилов, Р.С.Марданов<sup>2</sup> каби олимларнинг тадқиқотларида мазкур мавзуга доир фикрлар ўз аксини топган. Ижтимоий фалсафа қўламида хукукий ижтимоийлашувнинг субъекти ва обьекти фаоллигига багишланган илмий изланицилар олиб борилган. Ижтимоий фаоллик, унинг табиати, шакли ва тузилиши муаммолари тадқиқига С.К.Каримов, Қ.Н.Назаров, Н.О.Сафарова, Б.О.Тураев, Ж.Я.Яхшиликов<sup>3</sup>ларнинг асарлари ва илмий ишлари багишланган.

С.Ш.Сайдов ва Дж.Б.Вафаева тадқиқотларида ижтимоийлашув ҳодисасига инсонни ижтимоий роллар ва ижтимоий меъёрларга аста-секин кўнишиб олиш қўламида қаралган. Ушбу ёндашувларга алтернатив сифатида Ш.С.Кушоқов ҳаётий ўзини англаш концептини қўллади, Қ.Н.Назаров эса шахс хукуқ ва Эркинликлари масаласини унинг ижтимоийлашуви пойдевори деб билади.

Ўзбекистонда хукукий ижтимоийлашув жараёнининг салмоқли камчилиги бу унинг тизимли механизмларининг ишлаб чиқилмаганлиги билан белгиланади. Бунинг асосий сабаби ижтимоий тараққиёт жараёнида ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги, диний қадриятлар доминантлиги таъсирида шаклланган менталитет билан белгиланади. Жамиятимиз модернизацияси жараёнида бундай ёндашувнинг кўплаб муаммолар келтириб чиқариши М.Киргизбоев, Х.Т.Одилкориев, А.Х.Сайдов, Х.Маматов, Ф.Набиев ва бошқа олимларнинг асарларида ёритилган.

Шу билан бирга, хукукий ижтимоийлашувнинг шахсиятли жиҳати, инсон ижтимоий-хукукий муносабатларнинг фаол субъекти сифатида иштирок этиши ҳакидаги тадқиқотлар озчиликни ташкил қиласди. Социомаданий маконда хукукий ижтимоийлашувнинг яхлит баҳосини шакллантириш фундаментал муваммо бўлиб колмоқда. Юқорида зикр қилинган муаллифларнинг асарлари шахс хукукий ижтимоийлашувини янада самарали тадқиқ этиш учун пойдевор бўлиб хизмат қиласди. Социология, фалсафа, хукукщунослик ва психология каби фанларда хукукий ижтимоийлашув муаммоси фаол тадқиқ этилаётган бўлса-да, ижтимоий-фалсафий билим доирасида ушбу масала етарли даражада ишлаб чиқилмаган ва ўрганилишга эҳтиёж сезилмоқда. Ушбу зарурат хукукий ижтимоийлашув ҳодисаси ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилишини тақозо килмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

<sup>1</sup> Вафаева Д.Б. Влияние политической активности граждан на процесс становления гражданского общества в Узбекистане. - М: Вестник науки и образования, 2019.

<sup>2</sup> Марданов Р.С. Нравственно-правовая социализация личности. - М.: Философская мысль, 2017.

<sup>3</sup> Яхшиликов Ж.Я. Мустақиллик йилларида фуқаролик хукуки тамоӣилларини билишнинг фалсафий методологик асослари. - Т., 2019.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофик 2017-2021 йилларга мўлжалланган ОФ-07-сон “Ҳаракатлар стратегияси контекстида умуминсоний қадриятлар ва жамият барқарорлиги” номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** замонавий фуқаролик жамиятида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви ҳодисасининг ривожланиш қонуниятлари ва механизmlарини фалсафий таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг эволюциясини (шартлари, мақсадлари, имкониятлари, объектив хусусиятларига боғлик) ва шаклланган моделларини таснифлаш орқали очиб бериш;

фуқаролик жамиятида ҳуқуқий билим, қадриятлар ва меъёрлар восита-сида оиласиб зиддиятларга қарши курашишнинг воситаларини асослаш;

фуқаролик жамиятида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувининг аксиологик ва функционал моҳиятини тадқиқ этиш;

модернизация жараёнида жамият кўламида ҳуқуқий ижтимоийлашув субъект ва объектлари хусусиятини кўрсатиб бериш;

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланishiда шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви ўрнини белгилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистонда шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви ҳодисаси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланishi шароитида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви ҳодисасини илмий асослаш билан белгиланади.

**Тадқиқотнинг усуслари.** Диссертацияда анализ ва синтез, аналогия, умумлаштириш, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, индукция ва дедукция каби илмий билиш усусларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** кўйидагилардан иборат:

ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёни шахснинг индивидуал хусусиятлари, шу билан бирга, давлат ва нодавлат тузилмаларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида шаклланадиган синергетик ҳодиса эканлиги фалсафанинг атрибутив категориялари (эркинлик, зарурят, имконият) асосида далилланган;

ҳуқуқий ижтимоийлашув шахснинг жамиятдаги етуклика интилишининг узлуксизлиги, ҳуқуқий мутаносиблик даражаси билан боғликлиги асосланган;

ҳуқуқий ижтимоийлашувда девиант ҳулқнинг намоён бўлиш шакллари бепарволик, лоқайдлик, руҳий тушкунлик каби мезонлар антипод жараёнлар сифатида асосланган;

фуқароларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувини келтириб чиқарувчи жамоавийлик, ижтимоий ҳамкорлик, ижтимоий назорат сингари мезонларининг объективлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари фаолияти билан функционал ва регулятив боғлиқлиги очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:**

шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёни натижасида давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини амалий жиҳатдан кучайтиришга ижобий таъсир қилиши асосланган;

замонавий фуқаролик жамиятида ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнининг элементлари ва тизимли шаклланиш механизmlари асослаб берилган;

мамлакатимизда шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувини шакллантиришга хизмат қиласиган ва комил инсонни тарбиялаш соҳасида методологик қўлланма сифатида фойдаланишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви ва информацион жамиятнинг шаклланиб боришида шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувига ташки таъсирларнинг кучайиши ва ҳуқуқий ижтимоийлашишга таъсир этувчи институтларнинг узвий ҳамкорлигини таъминлаш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуслари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганилиги, нашр этилган монография ва илмий мақолалар, республика ва халқаро конференциялардаги чиқишилари, тадқиқот иши юзасидан берилган хуносалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Ўзбекистонда ҳуқуқий ижтимоийлашувни тизимли ўрганиш, ушбу мураккаб тизимнинг ночизиқли тафаккур ёрдамида чуқурроқ англаш, фалсафий таҳлилини амалга ошириш ва ҳуқуқий ижтимоийлашувни тадқиқ этувчи назарий-фундаментал тадқиқотлар ва методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, унинг натижалари асосида берилган таклифлар ва амалий тавсиялардан аҳолининг ҳуқуқий билими ва саводхонлигини юксалтиришда, уларнинг ҳуқуқий саводсизлигини бартараф этишда, аҳоли ўргасида ҳуқуқий-маърифий тадбирлар ўтказишида, таълим муассасаларида мавзуга боғлиқ бўлган ўкув ва ўкув-методик қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Замонавий фуқаролик жамиятида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувини тадқиқ этиши жараёнида:

ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёни шахснинг индивидуал хусусиятлари, шу билан бирга, давлат ва нодавлат тузилмаларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида шаклланадиган синергетик ходиса эканлигига оид илмий янгилиги ва таклиф-тавсияларидан “Миллий гоя ва миллатлараро муносабатлар” номли ўкув қўлланманинг “Миллий манфаатларни рўёбга чиқариш ва демократик қадриятлар устуворлигини таъминлашнинг долзарб масалалари” деб номланган мавзусини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020

йил 10 августдаги 89-03-2759-сон мълумотномаси). Натижада, шахсни ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнида давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлигини оширишга хизмат қилган;

ижтимоийлашув кишининг фақат ижтимоий муҳит билан алоқаларигина эмас, балки жамият етуклигининг даражаси билан ҳам боғлиқ бўлган узлуксиз жараён эканлигига доир конструктив хуоса ва таклиф-тавсияларидан “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ти, “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ти, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуклар ва имкониятлар тўғрисида”ти ва “Волонтерлик тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси қонунларининг муайян моддаларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг суд-хуқуқ масаслалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасининг 2020 йил 20 октябрдаги 23-сон мълумотномаси). Натижада, республикамизда ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи норматив-хуқуқий хужожатларнинг самарадорлигига ҳамда қабул қилинаётган қонунларнинг амалий аҳамиятини такомиллаштиришга хизмат қилган;

хуқуқий ижтимоийлашувда девиант хулкнинг намоён бўлиш шакллари бепарволик, лоқайдлик, руҳий тушкунлик каби мезонлар антипод жараёнилар сифатида асосланганлигига оид таклиф ва тавсияларидан Самарқанд вилоят “Раҳмдилик жамияти” ННТнинг “Ижтимоий хизмат: парвариш ва бандлик” мавзусидаги 66-07176-ракамли амалий грант лойиҳасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Самарқанд вилояти “Раҳмдилик жамияти” ННТнинг 2020 йил 26 августдаги 28-сон мълумотномаси). Натижада, ушбу грант лойиҳасининг амалга оширилиши жараёнида мураккаб ҳаётий вазиятларга тушиб қолган аёллар, ногиронлиги мавжуд шахсларда ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг ўсишига ва ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланиш иштиёқи пайдо бўлишига хизмат қилган;

хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда фуқароларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувини келтириб чиқарувчи жамоавийлик, ижтимоий ҳамкорлик, ижтимоий назорат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини мувофиқлаштириш омилларига оид таклиф ва тавсияларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси томонидан тайёрланган “Ижтимоий ҳимоя – давр талаби” ва “Биз томонларда” номли кўрсатувларнинг дастур сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 18 августдаги 09-01/249-сон мълумотномаси). Бунинг натижасида, шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик, жамоатчилик назорати каби муҳим омилларнинг фаолиятини самарали ташкил этишга ва ўзини ўзи бошқариш органларининг шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёнига янада фаолроқ жалб этилишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 23 та, жумладан, 8 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида мухокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола (хусусан, 5 та республика ва 6 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 129 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кирини қисмида ўtkазилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация бажариластган мусассаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, обьекти, предмети ва усуслари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг “Хукукий ижтимоийлашув тушунчаси ва хусусиятлари, шахс хукукий ижтимоийлашувининг назарий ва методологик асослари” деб номланган биринчи бобида хукукий ижтимоийлашувининг ижтимоий ҳодиса сифатида пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичларини, ушбу босқичларнинг ўзига хос хусусиятлари фалсафий таҳдид қилинган.

Диссертацияда мамлакатимизда инсон манбаатлари, ҳукуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги хамда барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги таъминланадиган фуқаролик жамиятини барпо этиш стратегик мақсад эканлиги таъкидланган. Хукукий давлат ва фуқаролик жамиятни куриш, аввало, жамиятда хукукий ижтимоийлашишни шакллантиришни тақозо килади. Ушбу жараённинг муҳим жиҳатларидан бири бу шахснинг хукукий ижтимоийлашуви бўлиб, унда индивид, мавжуд ижтимоий хукукий муносабатлар, қадрият ва меъёрларга мослашади. Хукукий ижтимоийлашув муаммосининг ижтимоий-фалсафий тадқиқи жамиятнинг муракқаблиги ва шахс хукукий билимининг даражаси хамда шахснинг хукукий нормаларини қабул қилиши жараённини қамраб олади. Жамиятдаги янгиланишларга кўмаклашиш жамият хукукий холатининг танқиди хамда ижтимоий сустлик ва трансформацион ижтимоий-хукукий жараёнларга бефарқлик билан ажралиб туради. Шу сабабли ҳозиргача хукукий ахлоқни қадриятлари ва стандартлари тизими, моделлари ва уларни шаклланиши каби масалалар мунозарали бўлиб келмоқда.

Хукукий ижтимоийлашув ҳодисасини тадқиқ этиш зарурати жамиятда ижтимоийлашув жараёнини бошқарадиган самарали институтларни шакллантиришдаги қарама-қаршиликлардан келиб чиқади. Шу сабабли, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожланитиш бўйича Ҳаракатлар

стратегияси”нинг иккинчи йўналиши сифатида хукукий тизимини такомиллаштиришга оид ислоҳотларни амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгилаб кўйилди.

Диссертациянинг мазкур бобида хукукий ижтимоийлашув жараёни доирасида амалга оширилган эклектик тадқиқотлар (психологик, конфликтологик, социологик, юридик, педагогик ва ҳ.к.) шахснинг хукукий ижтимоийлашуви, хукуқ, мажбурият ва бурч уйғунлигининг таъминланиши инсоннинг жамиятга, унинг маданиятига бевосита интеграциялашуви орқалигина рўй бериши асосланган. Бундан ташқари, шахс хукукий ижтимоийлашувининг субстанционал, бирламчи моҳиятини ташкил этган хукукий онг, хукукий билим, хукукий таълим, хукукий эътиқод, хукукий хулк-атвор, хукукий мафкура кабиларни ижтимоий-хукукий ҳаётдаги ўрни мухим аҳамиятга эгалиги таъкидланган.

Илмий билишда хукукий ижтимоийлашувни пассив шакллари, инсон фақат обьект сифатида намоён бўлган таҳлилини устуворлиги кўзга ташланмоқда. Хукукий ижтимоийлашув бу – инсон томонидан хукукий билимлар тизимини ўзлаштиришда ҳамда ўзлаштирилган хукукий билим, қадриятлар ва меъёрлар воситасида мувафаққияти тарзда хукукий ҳаётга мослашиб, унинг тўлақонли аъзосига айланиб боришида намоён бўлади.

Хукукий ижтимоийлашув жараёнида шахснинг ижтимоий хукукий муносабатлар доирасида ўзининг оптималь ўрнини топиб бориши осонлашади. Бунинг натижасида, инсон маданий ва хукукий меросни ўзлаштириб боради ва бу унинг ижтимоий хукукий манфаатларига тўла мос келиши билан бир каторда, шахснинг ижтимоий муносабатларнинг тўлақонли субъектига айланишига ёрдам беради. Хукукий ижтимоийлашув жараёнида шахс, ўз ҳаётий фаолияти давомида ижтимоий жараёнларда содир бўладиган, давлат томонидан белгиланган ва ўрнатилган меъёрлардан ҳар қандай чекиниш ҳолатларига ўзининг салбий муносабатини намоён кила бошлайди ва бундай ҳолатларга қарши курашишда фаоллик кўрсатади. Ушбу фаоллик ижтимоий тартиботни бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатни қабул қила олмаслик ва унга қарши туриш орқали намоён килинади.

Диссертацияда хукукий ижтимоийлашувнинг тарихий аспектлари ва эволюцияси илмий тадқиқ килинган бўлиб, бунда хукукий ижтимоийлашув атамаси гарчи XIX асрда пайдо бўлган бўлса-да, ижтимоийлашув муаммоси ижтимоий ҳодиса сифатида жамиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг зарурий атрибути ҳисобланishi, инсоният тарихининг турли даврларида мутафаккирлар ушбу масалага ўз эътиборларини қаратганлиги кўрсатилган. Бунда хукукий ижтимоийлашув масаласи турли тарихий даврларда файласуф мутаффакирилар томонидан талқин қилинганлиги, хукукий ижтимоийлашув ҳодисаси турли даврларда шаклланганлиги ва жамият тараққиётидаги таъсири фалсафий таҳлил қилинган.

Биринчи боб юзасидан куйидаги хулосаларга келинган:

биринчидан, жамиятда ўз ўрнини топиш, хурмат қозониш ва ўзлигини, ўз имкониятларини, ўз-ўзини намоён этиш билан bogliq muammolarga

ураган, камситишиш ва таҳқирланишга ураган кишиларда ҳам хукукий ижтимоийлашув жараёнидан узилишлар содир бўлади, хукукий ижтимоийлашув жараёни тўлик шаклланмайди;

**иккинчидан**, хукукий ижтимоийлашув жараёни фақат хукукий-аҳлоқий жараёнлар йигиндиси бўлиб колмай, руҳий борлик билан ҳам боғлиқ ҳолда кечади. Ижтимоий мухит талабларига ўзининг мос эмаслигини доимий равища англаб борган шахснинг онг остида ана шу талабларга нисбатан норозилик тўпланиб боради. Ўзининг ички олами билан тафовутлари бўлган жамиятга ва мебўларларга нисбатан душманлик ва қарама-қаршиликни намоён қилиш хисси қучайиб боради. Алкоголизм, ўғрилик, босқинчилик, фоҳишалик ана шу хоҳишининг юзага чиқиши кўринишлари хисобланади;

**учинчидан**, хукукий ижтимоийлашув ҳодисаси муракқаб тизим бўлган жамият ва унинг ижтимоий-сиёси тараққиётида мухим рол ўйнайди. Ҳар қандай жамиятнинг ривожи, унда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги, шу жамият аъзоларининг хукукий саводхонлиги, хукукий маданияти, қонунлар ва бошқа хукукий мебўларларга муносабати, қисқа қилиб айтганда, ушбу элементларнинг барчасини ўзида мужассамлаштирадиган ҳодиса, хукукий ижтимоийлашув билан боғлиқ. Зоро, фуқароларнинг хукукий маданияти, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиши ва қонунларга итоаткорлик даражаси жамиятдаги тартиботнинг ва тараққиётнинг бош мезонларидан биридир.

Диссертациянинг иккинчи боби “Замонавий фуқаролик жамиятида шахс хукукий ижтимоийлашувининг моҳияти ва воситалари” деб номланган бўлиб, унда замонавий фуқаролик жамияти шароитида шахс хукукий ижтимоийлашувининг моҳияти ва воситалари фалсафий таҳлил қилинган. Жаҳонда юз берадиган глобал ижтимоий ўзгаришлар фуқаролик жамиятини замонавий тараққий эттишириш мезонларини қайта кўриб чиқишина тақозо этмоқда. XX асрда демократик қадриятлар ва ривожланган фуқаролик жамияти мужассамлашган Гарбнинг ижтимоий ва давлат тузилиши тизими барча мамлакатлар учун асосий мезон бўлиб хизмат қилди. Бироқ бугунги кунда жаҳонда ривожланишнинг янги босқичи - *postmodern* босқичига ўтиш кузатилмокда. Бу ўтиш нафақат глобал иқтисодий силкинишлар, балки белгиланган шакл ва айният ҳамда модернизациялашган мағкураларнинг инқирози билан ҳам ажralиб туради. Мазкур бобда постмодерн даврида шаклланган фуқаролик жамияти, унда яшайдиган шахснинг хукукий ижтимоийлашуви таҳлил қилинган.

Диссертацияда хукукий ижтимоийлашув жараёнида хукукий онг ва хукукий маданият ўртасидаги диалектик алоқадорлик, хукукий онг ва хукукий маданиятнинг шаклланиш муаммолари ва уларнинг хукукий ижтимоийлашув тизимида тутган ўрни масалаларини, шу билан бирга, шахс девиант хулқ-атворининг хукукий ижтимоийлашув жараёнига таъсири ва аҳамияти масалалари тадқик этилган.

Ижтимоий-хукукий ҳаётда шахснинг хукукий ижтимоийлашув жараёни унинг руҳиятидаги бетакрорликка интилиш хислати билангина тўла амалга ошади. Чунки, инсон эрк излайди, унда эркка йўналтирилган улкан интилиш

мавжуд. Эркинликни хис қилиш орқали унда ижтимоийлашиш тезлаша бошлайди. Диссертацияда хукукий ижтимоийлашув жараёнининг чукур ўрганилиши, таркибий элементларининг шаклланганлик даражасини тўғри баҳолай олингандиши, хукукий ижтимоийлашув ҳодисасини янада самаралироқ тадқиқ этиш имкониятини берган. Жумладан, хукукий ижтимоийлашув жараёнининг энг муҳим таркибий элементлари сифатида хукукий онг ва хукукий маданият олинган. “Шахс ўзининг жамиятда тутган ўрнини, ижтимоий муносабатлар тизимидағи ролини англаб этиши ва тўғри баҳолай олиши унинг ижтимоий, хукукий муносабатлар онтологияси ва ўзига хос қонуниятлари ҳақида билим ва тасаввурга эга эканлиги билан паралел равишда шаклланиб, ривожланиб боради”<sup>1</sup>. Шахснинг хукукий ижтимоийлашуви умумий ижтимоийлашув жараёнининг таркибий элементи сифатида намоён бўлади. Яъни, жамиятда ўрнатилган қоидалар, меъёрлар, қадриятлар тизимини ўзлаштириб бориш жараёнида шахснинг хукукий ижтимоийлашуви ҳам содир бўлади. У индивиддининг шахс сифатида шаклланиб боришида муҳим аҳамият қасб этиш билан биргаликда, шахснинг фуқаролик позициясини, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабатининг шаклланишида ҳам ўзига хос ўрин тутади. Хукукий ижтимоийлашув жараёни кўплаб моддий ва номоддий омилларнинг бевосита ва бильсита таъсир кўрсатиши натижасида социомаданий муҳитга мослашиш жараёни билан биргаликда кечади. Ушбу жараён жамиятда хукукий маданият ва хукукий онг ривожланиш тенденцияларини ҳам белгилаб беради.

Диссертацияда хукукий ижтимоийлашув жараёнига тўсқинлик килаётган, жамиятимизда хукукий маданиятини юксалтиришда ўзига хос асосий муаммолардан бири бўлиб келаётган ижтимоий-хукукий муаммо, девиантлик, девиант хулк-атвор, социологик тадқиқотларда ижтимоий девиация деб номланган муаммони илмий фалсафий тахлили берилган. Девиация шахснинг умум эътироф этилган, кенг таркалган, нисбатан баркарор ижтимоий меъёрлардан оғишидир”<sup>2</sup>. Девиант хулк-атвор жамиятда хукукбузарликларни, жиноятчиликларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг асосларидан биридир<sup>3</sup>.

Бутунги кунда девиантлик ва девиант хулк-атвор муаммоси кўпигина ижтимоий-гуманитар фанларнинг тадқиқот обьекти хисобланади. Социологияда девиантлик муаммосининг ижтимоий сабаблари ва жамиятга таъсири муаммолари ўрганилса, психологияда девиант хулк-атворни шаклланишига сабаб бўладиган руҳий муаммолар ва уларнинг ечимлари таҳлил қилинади. Педагогик фанларда девиант хулк-атворнинг таълим ва тарбия жараёни билан боғлиқ жиҳатлари очиб берилади. Диссертацияда хукукий ижтимоийлашувга таъсир этадиган девиантлик ва девиант хулк-атвор муаммоси ушбу соҳадаги ижтимоий фанларнинг тадқиқотлари

<sup>1</sup> Априсян Р.Г. Правила социологического метода. - Москва: Наука, 2007. - С.128.

<sup>2</sup> Ma’naviyat asosiy tushbunchalar izohli lug’ati. - T., 2013. - B.53.

<sup>3</sup> Ҳакимова И.М. Девиант хулк-атвор психологияси. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси, 2014.- Б.5.

умумлаштирилган ҳолда, муаммонинг энг мухим умумий жиҳатлари очиб берилган.

Шунингдек, мазкур бобда ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг асоси бўлган ҳуқуқий тарбияни илмий-фалсафий таҳлил қилишга, унинг илмий-методологик жиҳатларини ўрганишга, ҳуқуқий тарбияни тизимли ташкил этишининг асосий шартлари, мамлакатимизда ҳуқуқий тарбия тизимини ишлаб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. “Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равиша ҳуқуқий билимларини ошириб боришининг замонавий усусларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданияти юксалтириш концепцияси” ушбу соҳада амалга оширишилиши лозим бўлган вазифалар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилиши лозим”<sup>1</sup>.

Диссертациянинг иккинчи боби юзасидан куйидаги хуласаларга келинган:

*биринчидан*, замонавий фуқаролик жамиятида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувни кишиларнинг ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий қадриятлар тизимида ўзини эрkin ҳис қилиши учун ҳуқуқий ва сиёсий тизимларнинг биргаликдаги фаолиятини амалга ошириш лозим;

*иккинчидан*, ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарғиботни ўз ичига олади. Жамиятда шахс ҳуқуқий маданиятини ва жамият ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтиришда миллий ҳуқуқий мағкура яратилиши керак ва бу мағкура ижтимоий-сиёсий парокандаликларга олиб келадиган ғоялар негизида бўлмаслиги лозим;

*учинчидан*, шахс ҳуқуқий маданияти фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатнинг тараққиёт кўрсаткичи сифатида баҳоланиши керак.

Диссертациянинг учинчи боби “Фуқаролик жамиятида шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувида ижтимоий-ҳуқуқий назорат” деб номланиб, ушбу бобимизда ижтимоий назоратнинг мазмун-моҳияти, ўзига хос принциплари, ижтимоий назоратнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги аҳамияти ва энг мухими, ижтимоий назоратнинг шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувидаги роли масалалари тадқиқ этилган.

Диссертацияда кучли демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараённида амалга оширилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ривожлантириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш каби комплекс чора-тадбирларда намоён бўлганлиги кўрсатилган. Хусусан, ҳуқуқий маданият жамият ҳаётининг деярли барча соҳалари билан боғлиқ маҳсус ижтимоий-сиёсий воқеиликдир. Унда маданият ва ҳуқуқ унсурлари бўлса-да, моҳиятан ҳуқуқий маданият ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг талабларини бажаради. Давлат

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлларини катънат билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар шахсларда ҳукуқий маданиятни юксалтириш учун етарли бўлмайди. Чунки, фуқаролик жамияти бу, авваламбор, ўзўзини назорат килишдир. Шу сабабдан, мамлакатимизда барча соҳаларда ижтимоий назоратни кучайтириш вазифаси бугунги қуннинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

Диссертацияда ижтимоий-ҳукуқий назорат тушунчасининг моҳияти, жамиятда содир бўлаётган кўпгина муаммоларнинг, хусусан, ёшлар ва ўсмиirlар орасида содир этилаётган антисоциал ҳодисалар, девиант хулқатвор ва шу каби ҳолатлар устидан назорат ўрнатишда ва ушбу муаммоларнинг ечимини топишда ниҳоятда муҳим эканлиги асосланган. Шунингдек, ижтимоий-ҳукуқий назорат субъектлари ҳисобланган жамоат ташкилотларнинг шахснинг ҳукуқий ижтимоийлашуви билан боғлик кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмалари билан ҳамкорлиги “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари<sup>1</sup>” тамойилининг амалий ифодаси эканлигини англатади.

Учинчи боб юзасидан хуросаларда қўйидаги фикрлар акс этади:

